



# ТОШКЕНТ ОҚШОМ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 19 (9.822)

2003 ЙИЛ 28 ЯНВАРЬ

## ПРЕЗИДЕНТНИНГ ИСПАНИЯГА ДАВЛАТ ТАШРИФИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 27 январь куни давлат ташрифи билан Испания Қироллигига жўнаб кетди.

Шу муносабат билан Тошкент аэропортида давлатимиз раҳбари журналистларга интервью берди.

— Испания жўроғий ҳижатдан нисбатан бизга узоқ мамлакат бўлса-да, Ўзбекистон учун яқин давлатлардан бири, — деди Президент Ислам Каримов. — Амир Темур саройида Испания элчиси Клавио фаолият кўрсатган. Ўз навбатида Амир Темур томонидан Испания Қироллигига Муҳаммад ал-Қозий элчи этиб тайинланган.

Ушбу маълумотларнинг ўзи ҳам бундан 600 йил муқаддам икки халқ ўртасида маданий, маърифий, сиёсий ва иқтисодий алоқалар яхши йўлга қўйилганини кўрсатиб турибди.


Тарих манбаларида қайд этилишича, испаниялик машҳур тарихчи Руи Гонсалес де Клавио анча вақт давомида Амир Темур саройида яшаган. Ўша вақтда нафақат Испания, балки бутун Европа Клавио асарлари орқали мамлакатимиз, бу заминда яшовчи халқларни таниган. Амир Темур давлатида юритилаётган сиёсат, минтақамиздаги сиёсий жараён, халқимизнинг маданияти ва илм-фанда эришган ютуқларидан бохабар бўлган. Шу нуқтага назардан қараганда, икки мамлакат халқлари қадимдан бири-бири билан яхши алоқада бўлган, деишга тўла асос бор.

— Бугунги Испанияга келсак, — дея давом этди давлатимиз раҳбари, — ҳозир ушбу мамлакат аҳолиси 40 миллиондан ошди. Йиллик ички ялпи маҳсулот ҳажми 600-700 миллиард АҚШ долларига тенг. Ушбу рақам Испаниянинг дунё иқтисодий ёндашган давлатлари қаторида экинчи кўрсаткич.

Испания сиёсат майдонида ҳам фаол мамлакатлардан. Мисол учун, халқро ҳамжамият томонидан Афғонистонда тинчлик ўрнатиш, урушдан зада бўлган заминда тикланиш ишларини олиб боришда ҳам Испания фаол иштирок этаётир. Испания ҳукумати минтақамизда тинчлик ва барқарорликни мустақамлаш масаласига ҳам беварқ қараётгани йўқ.

Ўзбекистон билан Испания ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик ҳақида гапирганидан бўлса, афсуски, бу борадаги ишлар кўнгилдагидек эмас. Ҳозиргина Ўзбекистонда Испания ишбилармонлари билан ҳамкорликда атиги олти қўшма корхона ташкил этилган. Савдо-сотик ҳақида ҳам шунга монанд фикр билдириш мумкин. Мазкур сафардан қўзлаган асосий максалларимиздан бири ҳам алоқаларни янада жонлантириш, Испания сармосини мамлакатимиз иқтисодиётига имкон қадар кўпроқ жалб қилиш билан боғлиқ масалаларни муҳокама этишдир.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда бир қанча молиявий лойиҳалар Испания ажратаётган кредитлар билан амалга оширилмоқда.



Муҳокама этиладиган энг муҳим масалаларнинг яна бири, сайёҳлик соҳасига тааллуқли. Маълумки, Испания дунёдаги сайёҳлик ривожланган энг йирик давлатлардан саналади. Мамлакатнинг ушбу соҳадан кўрадиган йиллик даромади 34 миллиард АҚШ долларини ташкил этади. Ўзбекистонда ҳам Самарқанд, Бухоро, Хива, Шахрисабз каби сайёҳларни ўзига жалб этадиган шаҳарлар кўп. Ушбу соҳада ҳамкорликни яхшилаш катта самара кўришимиз, шубҳасиз. Бу борада Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг раҳбарияти билан музокара ўтказиш ниятидамыз. Шунингдек, ташриф давомида таълим ва маданият, молия соҳаларида ҳамкорликни кенгайтириш масалалари ҳам муҳокама этилади. Сенат, ишбилармонлар ҳамда жамоатчилик вакиллари билан учрашувлар режалаштирилган.

Яна бир гап. Испанияга бир йилда кўпи билан бир ёки икки мамлакат раҳбарларининг давлат ташрифи уюштирилган экан. Ўзбекистон делегациясининг бундай юксак мақомада қабул қилиниши, Испания Қироллигининг мамлакатимиз, халқимиз ва Президентимизга юксак ҳурмат-эҳтиромидан далолатдир.

Президентимизнинг Испанияга ушбу давлат ташрифи икки мамлакат, икки халқ ўртасидаги ҳамкорликни барча соҳаларда янги босқинга кўтариш учун асос бўлишига шубҳа йўқ.

Саидмурод РАҲИМОВ,  
ЎЗА мухбири.

## ИСЛАМ КАРИМОВНИНГ ИСПАНИЯ ҚИРОЛИ БИЛАН УЧРАШУВИ

Мадрид, 27 январь. ЎЗА махсус мухбири Озод РАҲАБОВ хабар қилади:

Президент Ислам Каримов раҳбарлигидаги мамлакатимиз делегацияси бугун Мадридга етиб келди. Ўзбекистон ва Испания давлат байроқлари билан безатилган «Эл Пардо» қироллик саройида олий мартабали меҳмонни расмий кутиб олиш маросими бўлиб ўтди. Мамлакатимиз раҳбари шарафига фахрий қоровул саф торти. Давлат мадҳиялари янгради. Президент Ислам Каримов ва Қирол Хуан Карлос Биринчи фахрий қоровул сафи олдидан ўтди.

Мамлакатимиз раҳбари жойлашган қароғоҳда Испания Ташқи ишлар вазирлиги давлат котиби Р.Мигел томонидан Ўзбекистон делегацияси учун қабул маросими уюштирилди.

Шундан сўнг Ислам Каримов Испания қироллик хонадонининг расмий қароғоҳи бўлиши «Сарсуэла» саройига ташриф буюрди. Бу ерда Қирол Хуан Карлос Биринчи билан учрашув бўлди. Самимий суҳбат чоғида икки томонлама муносабатлар ҳамда халқро муаммоларга оид қўлаб масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Оқшом саройда олий мартабали меҳмон шарафига Испания Қироли номидан расмий қабул маросими уюштирилди.

Сафар давомида Ислам Каримовнинг Испания ҳукумати Раиси, Сенат ҳамда Депутатлар конгресси доимий кўмиталарининг аъзолари, Мадрид мэри, ишбилармонлар билан учрашувлари режалаштирилган. Ташриф дастирида мамлакатимиз раҳбарининг Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Бош котиби Ф.Франжиали билан мулоқоти ҳам қўзда тутилган.

А.Тўраев олган сурат (ЎЗА)

## XXI АСР Саҳоси

Барча манбалардан  
олинган сўнги хабарлар

### Мамлакатимизда

• Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Тошгузар — Бойсун — Кумқўрғон» янги темир йўл ливиниси қурилишини жадаллаштириш тўғрисида» қарор қабул қилди.

• «ДЭУ Интернешнл» компанияси жаҳоннинг 165 мамлакатида ўз шохобчаларига эга бўлиб, у Ўзбекистонда автобилсозлик, банк, алоқа соҳаларининг ривожига ҳам ўз ҳиссасини қўшмоқда. Шаҳримизда ушбу компания фаолият бошлаганининг 10 йиллигига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

• Бердах номи Қорақалпоғистон Давлат университетига Нукус — KOICA компьютер марказининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Тадбирда иштирок этган Корея Республикасининг Ўзбекистондаги Фавкуллода ва Мухтор элчиси жаноб Сонг Хван Ким маъзур университет ҳамда Кореянинг халқро ҳамкорлик бўйича агентлиги (KOICA) ўртасидаги ҳамкорлик таъғусида ҳам давом эттирилишини таъқидлади.

• Академик шоир Фафур Фулом таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан унинг «Танланган асарлар» тўғлими ҳамда лотин алифбосида «Шум бола» ва «Едгор» номли қиссалари нашрга тайёрланмоқда.

• Тошкент туманидаги «Ҳасанбой» ширкат ҳўжалиги гузариди «Еш техниклар ижодиёт маркази» бивоси битказилиб, марказ фаолият бошлади.



### Жаҳонда

• Шимолий ва Жанубий Корея ҚХДР ядро дастури атрофидаги можорони тинч йўл билан ҳал қилиш юзасидан келишиб олдилар. Томонлар кейинги музокараларни апрель ойи бошларида ўтказадилар.

• АҚШнинг Нью-Йорк шаҳрида шахмат бўйича жаҳон чемпиони Гарри Каспаров ва компьютер ўртасидаги беллашув бошланди. Яна 1,5 ҳафтадан кейин гаройиб бахсининг ғолиби аниқланди.

• Испаниянинг Каталония виллоятида «Ал-қоида» террорчилик гуруҳига алоқадорликда гумон қилинаётган 16 киши қўлга олинди.

• Индонезиянинг Славия оролининг марказий қисмида жойлашган Славия шаҳри яқинида рўй берган янги йўл-транспорт ҳодисаси натижасида 17 киши ҳалок бўлиб, 8 киши жароҳатланган.

• «Ассошиэтед-Пресс» ахборот агентлигининг хабар беришича, қлонлаш усулида учинчи чақалоқ дунёга келди. Қизчанинг ота-ониси японлик.

• Россия Федерациясида Петербург — Тобольск — Екатеринбург шаҳарлари бўйлаб «Голгофага саёхат» номли янги сайёҳлик йўналиши очилди. У Россиянинг сўнги шоҳи Николай II нинг сургун йўллари бўйлаб давом этади.

• Гарвард — Смитсон астрофизика марказининг астрономлари яқинда Нептун сайёрасининг шу пайтагча номбулм бўлган учта йўлдоши борлигини аниқладилар. Авваллари Нептуннинг саккизта йўлдоши бор деб ҳисобланарди. Энди эса уларнинг сони 11 тага етди.

**ҚИСКА**  
сатрларда

□ **ЧИЛОНЗОР** туманидаги фаоллар иштирокида уюштирилган тадбирда фуқаролар ҳуқуқий саводхонлигини оширишда адвокатларнинг роли муҳокама этилди.

□ **БУНЁДКОР** ёшлар телеклубида бўлиб ўтган йиғилишда ёшларнинг масофадан туриб ўқитиш истиқболлари ҳақида сўз борди.

□ **АКМАЛ** Икромов туманидаги «Ватан» маҳалласида фаоллар иштирокида ўтказилган тадбирда ёшларнинг спортга жалб этиш гивандликка қарши курашда муҳим омил эканлиги таъкидланди.

□ **БАДИЙ академия**нинг марказий кўргазмалар залида «Мафункор театр ва кино олами» деб номланган кўргазма фаолият кўрсатмоқда.

□ **МИРОБОД** туманидаги «Мингўрик» маҳалласида фаоллар иштирокида уюштирилган тадбир «Обод маҳалла йили» ҳудудий дастурида белгиланган вазифаларни бажаришга бағишланди.

□ **ЮНУСОБОД** туманида «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ташаббуси билан иқтидорли ижодкор ёшлар иштирокида маданий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Унда ёш қаламқашлар томонидан ёзилган шеърлар, ҳикоялар йиғилиш қатнашчилари эътиборига ҳавола этилди.

□ **ЭКОСАН** халқаро жамғармаси Республика Соқлиқи сақлаш вазирилик ҳамкорлигида тиббиёт муассасалари ходимлари иштирокида «Грипп ва бошқа ўткир респиратор касалликларининг олдини олиш» мавзусида тадбир ўтказди.

□ **АКМАЛ** Икромов туманидаги 228-мактабда «Кучли давлатдан кучли жамият сари» мавзусида бўлиб ўтган тадбир «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ташаббуси билан уюштирилди.

□ **МИРОБОД** туманидаги «Файзобод» маҳалласида йиғилган фаол аёллар тўй-ҳашамларини, маърака маросимларини тартибга солиш чоралари ҳақида давра суҳбати уюштирилди. Туман хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан бўлиб ўтган ушбу тадбирни бошқа маҳаллаларда ҳам ўтказиш ҳақида келишиб олинди.

□ **КАДРЛАР** тайёрлаш миллий Дастурининг иккинчи босқичи белгилаб берган вазифаларни тўлақонли бажариш мақсадида шахримиздаги академик лицей, коллежларга электрон дарсликлар етказиб берилди.

□ **ЎЗБЕКИСТОН** миллий энциклопедиясининг тўртинчи жилди нашрдан чиқди. Ушбу жилднинг нашрдан чиқишида кўплаб олимларнинг хиссаси бўлиб, унда 500 дан зиёд мақолалар жамланган ва бу китоб иқтисодиёт соҳасига бағишланган.

**Тошкент шаҳар хокимлиги** Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

**ЎЗБЕКИСТОНДА ТАЙЁРЛАНГАН**

**«OSIYO BATAREYA» — янги имкониятлар сари**

Пойтахтимизда бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлик билан иш юритаётган корхоналар сонини йилдан-йилга ошириб бормоқда. Шулардан бири «OSIYO BATAREYA» Ўзбекистон — Туркия қўшма корхонасидир. Мазкур корхонада тайёрланаётган турли хилдаги сифатли, рақобатбардошлилиги билан ажралиб туривчи аккумуляторлар аллақачон ўз буюртмачилари эътиборини қозонишга улгурган.

Қўшма корхона бош директори Бахтиёр ЗУПАРОВ билан суҳбатимиз жамоанинг амалга ошираётган ишлари ҳамда жорий йилдаги савий-ҳаракатлар хусусида бўлди.

— Корхонамиз ташкил толганига унча кўп вақт бўлгани йўқ. Жамоамиз давлатимиз томонидан тадбиркор, ишбилармонларга яратилган кенг имкониятлардан самарали, ўз ўрнида фойдаланган ҳолда замонавий, сифатли аккумуляторларни Европа технологиялари бўйича ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга муваффақ бўлди. 2000 йил февраль ойида рўйхатдан ўтиб фаолият юритаётган бўлсак-да, махсулотларимиздан фойдаланаётган буюртмачилар уларнинг қатор афзалликларини қўриб, мамнун бўлмоқдалар. Корхона цехларида хориждан келтириб ўрнатилган энг янги технологиялар асосида тайёрланган махсулотлар жаҳон андозалари даражасига тўлиқ жавоб беради, — дейди корхона раҳбари.

Корхонамизда ўтган йилларда туркиялик етук мутахассислар билан ҳамкорликда 3 хилдаги аккумуляторлар ишлаб чиқарилган бўлса, ҳозирги кунга келиб ўзимизнинг иқтисодий ва техник имкониятларимиздан унумли фойдаланган ҳолда уларнинг сонини 13 хилга етказдик. Эътиборли томони шундаки, махсулотларимиз бир йиллик кафолат билан сотилади ҳамда шу мuddат ичида бирор носозлик бўлса,

беғул хизмат кўрсатилади.

68 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилаётган жамоамизда ўтган йилда 600 миллион сўмлик махсулот сотилди. Ҳозирги кунда корхонага қарашли «OSIYO BATAREYA» дўкони ҳам ишлаб турибди.

— **Корхона махсулотларининг буюртмачилари қимлар?**

— Корхонамиз цехларида тайёрланган, буюртмачиларга етказиб берилаётган аккумуляторларимиз ҳар қандай транспорт турлари учун, яъни оғир юк ташувчи автомашиналар ҳамда энгил автомобилларга мўлжалланган бўлиб, ўрнатилиши оson ва қулай, жуда ишончли, узок мuddат хизмат қилувчи ҳамда ҳар қандай об-ҳаво шароитида бир меъёрда ишлаши кафолатланади.

Пешқадам технологиялар асосида тайёрланаётган аккумуляторларимиз «Ўзбекистонда тайёрланган» ёрлиғи остида Марказий Осиё давлатлари — Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистон, Тожикистон каби давлатларга экспорт қилинмоқда.

— **Жамoa ахлининг келгуси режаларига ҳам тўхталсангиз...**

— Жорий йилда замонавий катта дўкон қуриб ишга туширмоқчимиз. Асосий мақсадиимиз корхонамизда тайёрланаётган аккумуляторларнинг сифатини жаҳон андозалари даражасига етказиш ҳамда республикамиз бозорида муносиб ўрин эгаллаш ва экспорт ҳажминини оширишдир. Ана шу мақсадларда бизда маркетинг ишлари яхши йўлга қўйилган. Харидорларимиз сафини кенгайтириш учун бизда имкониятлар кенг.

**Мухаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА** суҳбатлашди.  
**СУРАТДА: «OSIYO BATAREYA» Ўзбекистон — Туркия қўшма корхонаси фаолиятдан лавҳа.**

Тоҳир Нигматуллин олган сурат.



Юртимизда истеъмолчилар ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга катта эътибор қаратилмоқда. «Истеъмолчилар ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида»ги қонун, Фуқаролик кодексининг тегишли боб ва моддалари, бошқа кўпгина ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатлар бунинг яққол исботлаб турибди. Лекин, афсуски барча истеъмолчиларимиз ҳам ўз ҳуқуқ ва манфаатларини тўлиқ химоя қила олмайдилар, ўзларининг лоқайдлик ва бепарволиклари, бунинг устига қонун ва бошқа ҳужжатларни етарли даражада билмаганликлари боис ҳам улардан фойдалана олишмайди.

Пойтахтимизда юқоридаги қонун ижросини таъминлаш, истеъмолчилар ҳуқуқ ва манфаатларини химоялаш борасида қандай йиллар амалга оширилмоқда? Истеъмолчиларнинг талабларини ўрганиши, махсулотлар ва хизматлар тарғиботида қонун талабларига қай даражада риоя этилмоқда? Ушбу саволларимизга жавоб топиш мақсадида Тошкент шаҳар Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи Баҳодир УМАРОВАга мурожаат этдик ва қуйидагиларни эътибор олдик:

— Ўтган йилда «Истеъмолчилар ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида»ги қонун назорати бўйича 97 та корхона ва ташкилотларда, текширишлар ўтказилиб, уларнинг 77 тасида турли хилдаги камчиликлар аниқланди. Текшириш даврида аниқланган камчиликлар миқдори жаримаси билан 1795,2 миң сўмни ташкил этди. Бошқармаимиз томонидан 65 та корхона ва ташкилотларга камчиликларни бартараф этиш мақсадида кўрсатмалар берилди ва уларнинг 58 таси ўз вақтида бажарилди.

Корхона ва ташкилотларга нисбатан 45 та ҳолатда «Истеъмолчилар ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида»ги 5-моддаси, 30 ҳолатда 6-моддаси, 6р ҳолатда 7-моддаси, яна бир ҳолатда 9-моддаси ва бошқа ҳаётларда турли моддалар бузилганлиги учун кўрсатмалар берилди ва керак ҳолатларда жазима қўланилди. Шунингдек, республика кенгаши шаҳар бўйича ишчи комитетининг руҳанатомасига асосан пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган «Салон Роза», «Елена фирма», «Улуғбек хожи», «Этилфарм», «Тег мед», «Дия Шаҳзода», «Нилюфар тиббий хизмат», «Гулором», «Фермексим» хусусий дорихоналарида қонун талабларига риоя этилиши юзасидан текширувлар ўтказилди. Уларнинг кўпчилигида текширув давомида айрим хорижий дори воситаларини сотишда қўланилаётган ҳастамалар оширилган ҳолда сотилаётгани, бошлангич нархига белгиланган Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 19 январдаги қарорига асосан 20 фоиз ўрнига, ундан ортиқ чакана савдо устамаси қўлланганилиги ва бошқа қонун бузилиш ҳоллари аниқланди. Улардан жаримлар ундирилди, кўрсатмалар берилди ва улар томонидан ушбу кўрсатмалар ўз вақтида бажарилди.

Шу билан биргаликда Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 ноябрдаги «Истеъмолчилар ҳуқуқларини химоя қилишда жамoатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан Тошкент шаҳар ҳокимининг 2002 йил 4 декабрдаги 701-сонли қарорини тарғиб қилиш ҳамда бозорларда, уй-жой мулкдорлари ширкати ва маҳаллаларда истеъмолчилар ҳуқуқларини химоя қилиш жамиятининг таянч пунктларини ташкил этиш мақсадида шахримизда конференциялар ўтказилди ва улар ўз самарасини бермоқда.

**• ИСТЕЪМОЛЧИ ҲУҚУҚИ**

**Талабчанликни оширайлик**

Истеъмолчининг талаби, албатта махсулот, хизмат сифатининг қоникорли бўлишига катта хисса қўишиш, шубҳасиз. Ўтган йилда бошқармаимизга 135 та ариза ва шикоятлар келиб тушди, уларнинг 82-таси ифодавий ҳал қилинди, 7 таси ҳал қилиниш арафасида. Шунингдек, баъзи шикоятлар юзасидан истеъмолчига керакли тушунтиришлар ҳам берилди. Ўтган йилда истеъмолчиларга умумий 936,3 миң сўм миқдоридидаги қўрилган зарарларни ундириб берилди. 2002 йилда бошқармаимизга энг кўп ариза ва шикоятлар коммунал фойдаланиш хизмати бўйича тушган. Шунингдек маиший хизмат, савдо хизмати, тиббий хизмат, телефон, транспорт ва бошқа масалалар бўйича ҳам аризалар анчагина бўлиб, бошқарма ходимлари томонидан ушбу аризалар атрофида ўрганилиб, жойларда ижобий ҳал этилишига муҳим аҳамият қаратилди.

Бунга жуда кўплаб мисолларни келтириш мумкин. Масалан, истеъмолчи Ж. Давлетмуродов шаҳар гараж ва техника хизмати кўрсатиш корхонаси хизматидан норози эканлигини билдириб арз қилган. Текширув натижасида автомобиль тўхташ жойларида иш вақти ва техник хизмат кўрсатиш шобҳаси номи тўғрисидаги маълумотлар йўқлиги, истеъмолчига берилаётган қвтанцияларда бажариш вақти ва бажарувчиликнинг техник таъмирлаш борасида кафолат мажбуриятлари кўрсатилмаганилиги, кўрсатилаётган хизмат ҳақида тўлиқ маълумот берилмаслиги ва бошқа камчиликлар тасдиқланди. Ушбу корхонага юқоридаги барча камчиликларини бартараф этиш, етказилган зарарини истеъмолчига муқддатида тўлаш мажбурияти юкланди. Корхона маъмурияти бунинг ўз вақтида бажармаган, унга нисбатан 226.750 сўм миқдорда жазима қўланилди.

Бошқармаимизда истеъмолчиларга қулай-

лик яратиш мақсадида «Ишонч» телефони ҳам фаолият кўрсатмоқда. Ҳозиргача ушбу телефон орқали истеъмолчилардан юзга яқин ариза ва шикоятлар қабул қилинди. Ушбу ариза ва шикоятларни вақтида ўрганиш ва тегишли чоралар қўриш юзасидан савий-ҳаракат қилинмоқда, истеъмолчилар ҳуқуқ ва манфаатлари химоя этилмоқда.

Реклама қонунчилигига риоя этилишини назорат қилиш борасидаги ишларимизга тўхталганимиз бўлса, ходимларимиз томонидан босма ахборот воситаларида, радио, телевидениеда реклама ва ташқи рекламалар бўйича 100 та мониторинг ва текширишлар амалга оширилди. Ўтказилган мониторинг якунларига кўра 19 та ҳолатда турли хилдаги реклама қонунчилигининг бузилиш ҳолатлари аниқланиб, қонунбузарликка йўл қўйган корхона ва ташкилотларга реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишини тугатиш ҳақидаги кўрсатмалар берилди. Ташқи рекламани жойлаштириш тартибига риоя этилишини назорат қилиш мақсадида ходимларимиз мустақил равишда мониторинглар ўтказмоқда.

Шунингдек, ходимларимиз томонидан пойтахтимизда истеъмол махсулотлари нархлари бўйича мунтазам равишда мониторинглар олиб борилмоқда. Ўтган йилда шахримиздаги савдо корхоналари ва ташкилотларида 1055 марта истеъмол махсулотлари нархлари бўйича мониторинглар ўтказилди. Ушбу ўтказилган мониторингларда аниқланган камчиликлар бўйича тегишли чора-тадбирлар қўрилиши юзасидан шаҳар Савдо, хизмат кўрсатиш ва халқ истеъмол молларини ишлаб чиқариш департаментига ёзма равишда маълумотнома тақдим этилди. Департамент камчиликларини тугатиш савдо корхоналарининг зиммасига юклатилганлиги, кейинчалик яна шундай ҳолатлар содир этилса кескин чоралар қўрилиши ҳақида маълумот берди.

Юқоридагилар билан бир қаторда истеъмолчилар ҳуқуқ ва манфаатларини химоя қилиш мақсадида бошқармаимиз ходимлари Ички ишлар бош бошқармасининг ёзма мурожаати асосан ҳамкорликда Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 майдаги «Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида»ги қарори бажарилишини таъминлаш мақсадида мунтазам фаолият олиб бормоқда.

Истеъмолчиларнинг ҳақ-ҳуқуқларини, манфаатларини химоя қилишда ҳар бир ходимимиз зиммасидаги масъулиятини яхши ҳисс этиди ва бундан кейин ҳам савий-ҳаракатларимиз давом эттаверади. Бу борада истеъмолчиларнинг ўзлари ҳам ҳуқуқларини яхши ангаласлар, қонун ва меъёрий ҳужжатлардан хабардор бўлишса, бепарволик ва лоқайдликка чек қўйишга, талабчанлигини оширса фойдалан холи бўлмайди. Биргаликда ҳаракат қилсак, истеъмолчи ҳуқуқларининг поймол бўлишига, албатта, чек қўямиз.

**Суҳбатдош Шарифа ИЛЁСОВА**

## 2003 — Обод таҳанна йили

### Ибрatли ташаббус

**Халқимизнинг миллий урф-одатлари, аънаёлари қадрлаш ҳар бир юртдошимиз олдидаги асосий вазифалардандир. Аммо айна пайтда ўзбек урф-одатларини ўзгача шаклда, турли йўсинларда ўзгартириш ҳоллари учрамоқдаки, бундан кўр-кўрона кўз юмиб бўлмайдимиз. Бу жараён тўй-ҳашамларда яққол кўзга ташланмоқда.**

Миробод тумани ҳокимлиги, туман хотин-қизлар қўмитаси ва «Маҳалла» жамғармасининг туман бўлими ҳамкорлигида юқоридаги масала юзасидан маҳаллаларда тадбирлар, давра суҳбатлари ташкил этилмоқда.

Айна пайтда «Файзиобод», «Оқ уй», «Билимдон» маҳаллаларида тўй-ҳашамларини ихчамлаштириш, исрофгарчиликнинг олдини олиш борасида аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари ўтказилди.

Бундай самарали ишларни амалга оширишда «Маҳалла» жамғармасининг туман бўлими раиси Тўхтапўлат Содиков, туман ҳокими ўринбосари, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Озода Абдуқодирова ҳамда маҳалла фаоллари бош-қош бўлмоқдалар.

— Қадриятларимиз бизнинг бойлигимиз, аммо уларнинг турли хил шакллари, ортқича чиқимларни кўпайтираётганларга беварқ қараб туролмаймиз, — дейди туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Озода Абдуқодирова. — Аҳоли ўртасидаги бундай маърифий тадбирларни туманимизнинг барча маҳаллаларида ўтказишни режалаштирдик.

### Изланишлар давом этади

**Республикамиз пойтахти Тошкентдаги маҳалла ва гузар ҳудудлари бўйича тайёрланаётган лойиҳалар ўз ишланмаси билан ажралиб туради. Тошкент архитектура ва қурилиш институти олимлари изланишлари туфайли юзага келаётган бундай лойиҳалар Обод маҳалла йили муносабати билан янада кўпаяди.**

Олий ўқув юрти меъморлари сай-ҳаракати билан «XXI аср маҳалласи» мавзусида туркум лойиҳалар яратишга киришилди. Бундай ижодий ишнинг дебочаси сифатида Тошкент шаҳридаги «Ислмобод» маҳалласининг замонавий кўриниши акс этган лойиҳа юзага келди.

Мазкур лойиҳада маҳалла ҳудудининг ўзига хос аънаёлари, ибрatли ишлари ҳам замонавий кўриниш тасвирлари орқали ёрқин кўрсатиб берилди.

**Акбар йўлдошев**

Ўзбекистон замини жаҳон илму фани, маданияти ва санъати ривожига улкан ҳисса қўшган қатор буюк аллома ва мутафаккирларни тақдим этди. Ҳозирги пайтда уларнинг боқий меросидан бутун башариат баҳраманд бўлмоқда.

Афсуски, айрим сабабларга қўра, аждодларимизнинг қўп сонли асарлари хорижга олиб чиқилиб, шу кунгача дунёнинг турли илмий марказ, кутубхона ва музейларида сақланмоқда. Бундай қимматли манбаларни топиш ва уларни ҳар томонлама ўрганиш халқимизнинг маънавиятини тиклашга қаратилган миллий дастурнинг ажралмас бўлагидир. Мамлакатимиз ҳукумати, олимлари

қўлэмалар мажмуаси алоҳида қизиқаш уйғотади.

Мисол учун тадқиқотлар давомида буюк табиб ва файласуф Абу Али ибн Синонинг юздан зиёд асарлари борлиги аниқланди. Улар XI-XIX асрлар давомида араб тилида бир неча қарра қайта кўчирилган нусхалардир. Мазкур асарлар орасида «Ал-Шифо» (1092 й.), «Ал-Қонун фи ал-тибб» (1131 й.), «Ал-Ишорат ва алтанбихот» (1242 й.) ва «Мақола фи ал-Нафс» (1242 й.) сингари алоҳида қийматга эга қўлэмалар мавжуд.

Британия миллий кутубхонаси ҳамда Бодлен кутубхонасида алломанинг 30 дан зиёд «Ал-Қонун фи ал-тибб» (Тиб қонун-

Шу билан бирга, Буюк Британияда Шарофиддин Али Яъзийнинг тахминан 823 ҳижра йилида ёзилган ва айна пайтда Амир Темур давлати тарихи тўғрисида муҳим манбалардан бири ҳисобланган «Зафарнома»нинг 18 та қўлэмаси сақланмоқда.

Қадимги турк ва форс тилларида ёзилган манбалар орасида Алишер Навоийнинг 18 та қўлэмаса асари бор. Эътиборли томони шундаки, уларнинг энг қадимгиси шoirнинг ҳаёти даврида (1482) ёзилган бўлиб, унинг биринчи шеър ва дostonларини ўзида мужассам этган.

Бодлен кутубхонасида 1485 йилда номаълум бир хаттот томонидан асл нусхадан кўчирилган Алишер Навоийнинг «Хамса» асарининг энг биринчи қўлэмаса нусхаларидан бири мавжуд. Ушбу нодир қўлэмасада машҳур миниатюра устаси Камолиддин Беҳзод ва унинг шoir-гирдларининг 8 та миниатюраси ўз аксини толган.

Мутахассислар эътиборини, шунингдек, «Бобурнома»нинг 18 қўлэмаса нусхаси жалб этади. Уларнинг энг қадимгиси турк тилида 1630 йилда ёзилган. Афсуски, бу қўлэмаса бизгача тўла шаклда етиб келмаган.

Юқорида қайд этилган аждодларимизнинг Буюк Британияда мавжуд нодир асарлари қаторида Имом ал-Бухорийнинг «Ал-Жомий ал-сахих», ал-Хоразмийнинг «Ал-Китоб ал-мухтасар фи ҳисоб ал-жабр ва ал-муқобала», Аҳмад ал-Фарғонийнинг «Ал-Қомил фи илм ал-астурлаб» ҳамда Форобийнинг 30 дан зиёд асарини ҳам кўрсатишимиз мақсадга мувофиқдир.

Манбаларнинг қўли ҳали етарли даражада ўрганилмаган бўлгани учун муфассал тадқиқот ишларини талаб этади. Уларнинг тўла ҳажмини белгилаш, қимматли нусхаларига эга бўлиш, илмий каталогларини тузиш муҳим ва долзарб масала бўлиб, тарихимизнинг ҳали қўллаб боқира саҳифаларига оидкили киритади.

**Мардон ҒУБОВ,**  
«Жаҳон» АА,  
Лондон.

## «Маданиятимизнинг сўнмас дурдоналари»

лари) асарининг қўлэмаса нусхалари сақланади. Мавриди келганда айтиш жоизки, Ибн Синонинг бу асари қўп асрлар давомида Фарб ва Шарқ табиблари учун асосий қўлланма бўлиб хизмат қилган.

Британия миллий кутубхонаси қўлэмалар фондида, шунингдек, қомусий аллома Абу Райхон ал-Берунийнинг 7 та ноёб қўлэмаси мавжуд. Унинг 11 китобдан иборат бўлган «Ал-Қонун ал-Масъудий» (Масъуд қонуни) асари кутубхона фахридир.

Буюк Британия кутубхоналаридаги аждодларимиз мероси орасида бобомиз Амир Темур ва теурийлар даврига оид қўлэмалар алоҳида ўрин тутди. Дарҳақиқат, Британия миллий кутубхонасида сақланаётган Низомий Шомийнинг «Зафарнома» (1434 й.) қўлэмаси соҳибқирон ҳаёти даврида ёзилган яққола ягона тарихий манбадир. Муаллифининг асар муқаддимасида таъкидлашча, 804 ҳижра йилида Амир Темур сарой котибларининг тарихий ривоятлари асосида шахсан ўзи унга китоб ёзишни буюриб, унинг номи билан берган.

### • «ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО ЙЎЛЛАРИ»:

## Халқаро йўналишларда ўн бир йил

**БУГУН**

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ташкил топганига 11 йил тўлади.

Ҳа, Мустақилликдан сўнг Ўзбекистон учун авиация соҳаси жаҳон бозорларига чиқиш қалити эканлигини ҳисобга олган ҳолда республика ҳукумати томонидан ушбу муҳим соҳани ривожлантиришга муҳим аҳамият қаратиб келинмоқда. Ҳатти йиллар мобайнида авиакомпания тўлиқ янгилашиб, замонавий тус олди. Миллий авиакомпаниямиз тамғаси туширилган энг замонавий ҳаво кемаларини ҳозирда жаҳоннинг қўллаб мамлакатларида учратишингиз мумкин. Янги аэропортлар, аэровокзаллар, терминаллар қурилди, парвозлар хавфсизлигини таъминловчи ҳаво ҳаракатини бошқариш тизими янгиланди, замонавий технология ускуналар ўрнатилди. Самолётларни таъмирлайдиган база барпо этилди.

Ушбу улкан ишларнинг амалга оширилиши Ўзбекистоннинг жаҳон авиатранспорт тизимига кириб бориб, унинг тенг ҳуқуқли иштирокчиларидан би-

рига айланиши учун имкон яратди.

Дастлабки ўн йил ичида авиакомпания хизматларидан 20 миллиондан ортиқ йўловчилар фойдаланган бўлса, ўтган йили «Ўзбекистон ҳаво йўллари» самолётлари орқали яна 1,5 миллион кишининг узоғи яқин қилинди. Авиакомпания доимо ўзгариб боровчи ташқи шaroитлардан келиб чиққан ҳолда келажакка мўлжалланган оқилона стратегияни белгилаш ва мавжуд ресурслардан самарали фойдалана олишини намоён қилди.

Ўтган йиллар давомида эришилган ютуқларга назорат ташлар эканмиз ўзининг оёққа туриш йилларида «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпани-

яси яқин ва узоқ хориж мамлакатларида 40 га яқин ваколатхоналарини очган ҳолда ташқи бозордан мустаҳкам ўрин олган бўлса, ўтган йили рейсларни бажариш самарадорлигини ошириш, йўловчиларга хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, шерик компаниялар билан алоқаларни кучайтиришга муҳим эътибор қаратилди.

Япониянинг энг йирик халқаро аэропорти бўлиши Токиога рейсларнинг очилиши эса ўтган йилги энг муҳим воқеалардан бирига айланди.

2002 йилнинг баҳорида «Sky Team» альянсининг аъзоси бўлиши Европанинг йирик «А II ITALIA» авиакомпанияси билан жуда муҳим битим имзоланди. Ушбу авиакомпания билан ҳамкорлик МАКГА янги Европа бозорларига «қиш учун кенг имкониятлар очди. Шунингдек, «Синьцзян авиайўналишлари», «Turkish Airlines», «Olympic Airways», «LOT», «British Mediterranean Airways» каби авиакомпаниялар вакиллари билан музокаралар келгусида ўзаро манфаатли ҳамкорликни амалга ошириш учун истиқболлар очди.

Ўтган йили авиакомпания томонидан ҳукумат қарорати орқали олинган 22,42 миллион АКШ долларлари ҳамда инвестиция маблағлари Тошкент аэропортини модернизация қилиш, Фарбда ишлаб чиқарилган самолётларга техник хизмат кўрсатиш марказини ташкил этиш, Самарқанд, Бухоро, Урганчдаги аэропортларни модернизация қилиш дастурлари бўйича ўзлаштирилди.

Тошкент аэропортида янги халқаро андозалар талабларига жавоб берувчи учинчи залининг ёзда фойдаланишга топширилиши ҳам ҳамкорлиги-



мизга ўзига хос совға бўлди.

Албатта, авиакомпания олди-га қўйилган вазифалар қўламини ҳам тобора кенгайиб бормоқда. Ҳозирда Бирмингем орқали Нью-Йорк шаҳрига парвозларни йўлга қўйиш масаласи ишлаб чиқилмоқда. Вьетнамга рейсларни амалга оширишга ҳам истиқболли йўналишлардан бири сифатида ёндашилмоқда. Швейцария ва Италия аэропортларига эса юкларни ташувчи йўналишларни очиб кўзда тутилмоқда. Австралия билан ҳаво кўпригини бунёд этиш ҳам галдаги режалар қаторидан ўрин олган. «Тошкент» халқаро аэропортида янги юк мажмуасини қуриш юзасидан техник-иқтисодий асослар тайёрланмоқда.

Эришилган илғор тажрибалар, улкан ички захиралар, маънавий салоҳият «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси фаолиятининг тобора ривожланиб бориши унинг халқаро авиашувлар бозорига нуфузи янада ошишининг ишончли қарорларидир.

**Даврон НУРМАТОВ**



## «02»: ҳодисалар

◆ «Кўйлик» бозори олдида уч нафар номатълум шахснинг ўйланган режалари амалга ошмай қолди. Улар Б. Қорабоев бошқарувидаги «Тико» русумли автоуловга йўловчи сифатида ўтирадилар. Сўнгра Ҳамза тумани, Янгибод даҳасидаги «Аралаш моллар» бозори яқинида етганларида ҳайдовчидан шу отрофда тўхтатишни илтимос қиладилар. Кулай фурсатни кўзлаб турган «мижоз»лардан бири ёнидан пичоқ чикариб, ҳайдовчидан пул талаб қила бошлайди. Қутилмаган ҳужумдан қўрқув ва ҳаяжонга тушиб қолган машина эгаси эса бор овозда бақириб одамларни ёрдамга чақиради. Шу пайт мазкур ҳудудда хизматни олиб бораётган милиция ходимлари воқеа жойида ҳозир бўлишиб, жиноятчиларни ўзлари билан олиб кетдилар. Ҳозирги кунда Андижон вилояти, Қорасув шаҳрида яшовчи ҳеч қаерда ишламайдиган Х. Шокир, унинг шериклари Наманган шаҳри, Термиўйўли кўчасида яшовчи Ж. Расул ҳамда Нишон туманида яшовчи А. Абдулалар устидан тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

◆ Сергели тумани ИИБ ходимларининг кўрган чора-тадбирлари натижасида бир неча маротаба ўғирлик жиноятига қўл урив, ички ишлар идоралариндан яшириниб юрган бир жиноятчи рафолиятига чек қўйилди. Муқаддам судланган, аммо ханузгача ўзига тўри йўлни танлаб олмаган, ушбу туманда яшовчи А. Рамиз деган бу йигит ўтган йилнинг октябр ойида Сергели-7 мавзесидаги 7-йўнинг 22-хонадонидан «Русь-23» русумли телефон аппарати, бир дона соядон, қўл соати ва ўз эгасига тегишли 1000000 сўм пулларни ўғирлаб кетган.

Бундан ташқари унинг Сергели-6 мавзесидаги, 3-йўнинг, 34-хонадонидан истикомат қилувчи фўқуро Т. Симнинг хонадонидан ҳам «Сони» русумли битта аудиоманитофон ва икки хил кийим-кечакларни ўмарганлиги аниқланди.

Шунингдек, ушбу жиноятчи Сергели-7 мавзеси, 4-йўнинг, 17-хонадонига кириб, фўқуро Г. Шомгуновага тегишли «Филипс» аудиоманитофони ва 10 метр матосини ўғирлаб кетганлиги ўз исботини топди. «Қилмиш-қидирмиш» деганларидек, бугунги кунда содир этган қинғирликлари оқибатида юзи шувут бўлиб ўтирган айбдор қонун олдида жавоб бермоқда.

◆ Афсуски, одамлар орасида миясига ўрнашиб қолган турфа хаёлларга берилиб, жиноят кўчасига билиб-билмай кириб қоладиганлар ва шунинг билан бирга ўз ҳаётида кўнгилсизликлар пайдо бўлишига ўзи сабабчи бўлаётган кимсалар ҳам учраб туради. Ана шундайлар сирасига шубҳасиз равишда гиёванд йоддалари олди-сотдиси ва бу каби захарли моддаларни истеъмол қилувчи шахсларни қўйиш мумкин. Яқинда Сергели тумани Ички ишлар ходимлари Йўлдош-9 мавзесидаги бозорча олдида, ҳаракатларидан бирмунча безовта ва бесаранжом кўринган бир шахсни тўхтатиб, текшириб кўрганларида, унинг ёнида 2,88 грамм марихуана моддаси борлиги аниқланди. Эндиликда ушбу мавзедаяшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган М. Евгений гайрикўнонун ушбу ҳаракатининг нечоғлик хавфли ва аяқли эканлигини англаб етдимикан?

◆ Яқсаротди тумани ИИБ ходимлари Қушбеги мавзесидаги 23-йўнинг олдида ушбу мавзедаяшовчи истикомат қилувчи И. Абдурашид исми шахснинг Бобур кўчасида яшовчи А. Дилмурод деган танишига ёнидаги 18,73 грамм марихуана гиёванд моддасини пуллаётган вақтида қўлга олдилар. Жиноят устида ушланган ушбу оғуфрушлар ҳам энди қонун олдида жавоб берадилар.

Самариддин ХАЛИЛОВ,  
Тошкент шаҳар ИИББ Матбуот  
маркази нозир.

## • БУЮК ЎТМИШДОШЛАРИМИЗ

## Халқ меҳрини қозонган зот

Ана шундай табаррук зотлардан бири Занги ота Ҳимматий ҳазратларидир. Занги отанинг исми-шарифлари Ойхўжа ибн Тошхўжа ибн Тошхўжа ибн Азизхўжа бўлиб, ота авлоди орқали Абдулмалик отанинг набираси ҳамда халқ орасидаги ишончли фикрлар ва баъзи манбаларга кўра Занги ота она авлоди тарафидан буюк зот — Арслонбоб эшоннинг эварасидир. Хожа Аҳмад Яссавий эса Занги отанинг тоғасидир.

Занги ота — Ойхўжа Тошхўжа ўғли Туркистон мулкининг Шайх-ул-машойихи, пири комили Хожа Аҳмад Яссавий ёки халқ тилида айтилганидек, ҳазрат султон Орифининг муриди, машхур мутасаввуф шoir Ҳаким ота — Сулаймон Боқиргонийнинг ардокли шогирдидир.

Занги отанинг кўпгина сиймоси туркий-ислом дунёсида донги кетган улкан диний шахс, ривоятларга кўра чўпонларнинг пири, азиз-авлиё, табиб, бағрикенг улғун сифатида тарихда муносиб ўрин эгаллаган. Ойхўжа Тошхўжа ўғли бадани қуёш нурида қорайиб кетганлиги учун кейинчалик Занги ота (занжи арабча — қора) деб аталиб келинган.

Занги ота 1258 йилда Тошкент шаҳри билан Янгийўл тумани ўртасидаги бир қишлоққа дафн этилган. Кейинчалик эса ушбу қишлоқ Занги отанинг табаррук номлари билан аталиб, эл-юрт ўртасида кенг танилган. Истиқлол шарофати билан туман Занги отанинг мўътабар номлари билан фахрланиб тилга олинмоқда. Ойхўжа Тошхўжа ўғли — Занги ота ҳазратларининг XII аср охири XIII аср бошларида Тошкент шаҳрининг ҳозирги Самарқанд Дарбоза кўчасидаги Занги ота маҳалласида таваллуд топганиларга ҳақидаги маълумотлар мавжуд.

Занги ота эл-юрт ўртасида гоят машхур бўлган тарихий шахслардан бири ҳисобланиб, улар ҳақида қўлғаб ривоятлар, хикоятлар мавжуд. Буни албатта қаромат соҳиб бўлмиш азиз-авлиё бобокалонимизнинг халқнинг чексиз меҳр-муҳаббатига сазоворлигидан ёрқин хотира десак ўринлидир. Одамларнинг қўйларини боқиб, ҳалоллик билан оддий кун кечирган Занги ота тоат-ибодат қилганларида қўйлар бир жойда тураркан, сурув-сурув қўйларни олиб ўтганларида биронта ҳам қўй ёки кўзи қишларнинг экинзорларига кирмасдан, ҳеч кимга озор етказмас экан, бу ҳолатдан кўпчилик хайратда қоларкан.

Занги отага рўбарў келиш чўпонлар учун илоҳий бахт-саодат, бир умрга татийдиган беҳад қувончли воқеа ҳисобланган. Тонг саҳарида тоғ ёнбағридаги йилвода қўйларни боқадиган чўпон боланд бўлиб, қорачадан келган, оппоқ кийимлик зотнинг тепасида турсангилари кўриб қайратда қолади. Бир дақиқа ҳам ўтмай оппоқ кийимлик, алп қоматлик мўътабар зот қўлидаги чўпонлик тағбини отар узра айланган кўздан гоийб бўлади. Аввал рўй берган сирли воқеадан қарат қолган чўпоннинг хотирасига Занги бобо ҳақидаги ривоятлар тушиб, шу дамда пир билан дув келганини англагач бағоят шодланади.

Занги ота мақбарасининг барпо этилиши ҳам ривоятларга бойдир. Соҳибқирон бобокалонимиз Амир Темур ҳарбий юришига отланганларида дастлаб Хожа Аҳмад Яссавий қабрини зийрат қилар эканлар. 1395 йилда Олтин Ўрда хони Тўхтамыш устидан қозонилган ғалаба шарафига Амир Темур ҳазрати султон Орифин қабри устига янгидан улғувор мақбара қуришга фармон берганлар.

Бироқ, Амир Темур бобокалонимизга тушларида Хожа Аҳмад Яссавий ҳазратлари миннатдорчилик билдириб, мақбарани аввал Занги отага бағишлаб қуришни баён этганлар. Ҳақиқатан ҳам Хожа Аҳмад Яссавий мақбараси Занги

Ҳаётда шундай улғун инсонлар, алломалар бўладики, уларнинг номлари мангуликка муҳрилан, асрлар оша халқ қалбидя чуқур ҳурмат ва эҳтиром билан ашайди.

ота мақбарасидан кейин қурилганлиги барчага маълум. Занги ота мақбарасини барпо қилиш мақсадида Туркистон бува мақбараси қурилишига ҳозирланган пишиқ гитлар кўҳна Ясси шаҳридан ҳозирги Зангиота қишлоғигача кўп сонли қўшин қатор тизилиб қўлма-қўл узирилган. Шу орқали буюк саркарда Амир Темур ўзининг аскарарий қудрати ва тadbир ишлатиш салоҳиятларини яна бир бор намоийш этган.

Маълумки, Занги ота азиз устози — Сулаймон Боқиргоний (Боқиргон — Хоразмдаги катта қишлоқнинг номи) вафотидан сўнг унинг бева қолган севиқли умр йўлдоши, бағоят гўзал бўлган Анбар онага уйланган ва фарзанд кўрган. Занги ота билан Анбар она меҳр-муҳаббатли, ибратли ҳаёт кечирилган. Жумладан, Анбар онанинг умр йўлдошига бўлган ҳурмати шунчалик юксак эдики, «ҳазрат қуёш нурида қўйлар боқиб юрганларида мен соя-салқин жойда чарх йигириб, уй ишлари билан машғул бўлсам инсофдан эмас» деб, афтоб нурида чарх йигирганликлар эл оғзида достонга айлиб, бизгача этиб келган ва кекса момолар марок билан хикоя қилишди.

Анбар онанинг умр йўлдоши билан аҳил яшаш, оилани мустаҳкамлаш учун қилган хатти-ҳаракатлари аёллар учун ибратдир. Кези келганда айтиш керакки, Занги бобо табиатидаги бағрикенглик, камтарлик, кечиримлик, оқ кўнгиллик, меҳнатсеварлик, Ватанга муҳаббат каби инсоний фазилатлар халқ орасида улғулаб келинган.

Дуоғуи отахонлар доимо «Занги бобонинг феъллари кенг, барча муҳтожларга ёрдам бериб келадилар. Зиёрат қилувчиларнинг дили равшан бўлиб қайтадилар. Занги бобо — улғун зот. Халқ чин дилдан меҳр ҳамда катта ихлос кўйган нафаси ўткир азиз-авлиё» дейдилар. Ҳадиси шарифда ҳам «авлиёларнинг қаромати ҳақдир» деб айтилган экан.

Занги ота яшаган даврда Мовароуннаҳрда мўғул-татар зулми авжига чиққан бўлиб, бу улғун зот шогирдлари билан бирга халқ орасида бўлиб, руҳан тушқунликка тушмасликка, бирлашишга, қаҳрамонликка ундаб, ватанпарварлик туйғусини кучайтирганлар. «Ватанин семвоқ иймондандир» деб бежиз айтилмаган. Занги ота, Анбар она ҳақида тарихий, бадиий асарлар яратилган. Жумладан, тошкентлик шoir Камий Шойши Занги ота ҳақида қичирок қасида ёзган ва 1911 йилда босилган «Баёъ-дан ўрин олган. Шoir Шукур Қурбон Анбар она ҳақида достон ёзган.

Занги ота мақбарасига халқ ўртасида эҳтиром гоят катта бўлиб, у ҳамиша зийратчилар билан гавжум. Занги ота мақбараси юқорида айтилганидек, Амир Темур томонидан бунёд этилган бўлса, набираси Мирзо Улғубек томонидан 1420 йилда мақбарадаги безак ишлари баҳарилган.

XIX аср охирида Занги ота қишлоғида истикомат қилган ер эгаларидан бўлган Мирзо Рустам исми соҳаватли инсон томонидан мавжуд мезана қурилган. Бу савобталаб бобонинг Эркин қишлоғида яшаш ўтган бағри кенг фарзанди Аъзам ота, Хотам Мирзо исми номига муносиб бўлган сахий қўл, хокисор набираси ва эл-юрт хизматидаги ўқимши ишларари Занги ота ҳамда Эркин қишлоқларида истикомат қилишди ва бобокалонларининг хайрли ишларидан бағоят мамнун бўлиб, фахрланишди.

Шах-шубҳасиз, эзгулик йўлида қилинган ҳолис иш, ташланган қўлғаб қадам, саодатли, файзли мақбар, инсоннинг дили доимо равшан бўлади. Занги ота мақбараси — бизнинг кўҳна тарихимиз, азиз зийратгоҳ, табаррук маскан сифатида кўнгилимизни чарогон этиб туради.

Улғубек ПЎЛАТОВ

## • ҚИММАТБАҲО ТОШЛАР СИРИ

## «Оқ қарға» жавоҳири саргузаштлари

Бу олмос 1835 йили Ҳиндистоннинг Голкўда қонидан топилган бўлиб, унинг оғирлиги 89,4 карат (карат — 0,2 граммга тенг).

1849 йилда Англия Ҳиндистонни босиб олгандан кейин барча қимматбаҳо тошлар Англиянинг Ост-Индия компаниясига тегишли бўлди. 1852 йили лорд Далхаузица Ост-Индия компаниясида бу олмосни совга тарихасида беради. У Англияга келганидан кейин дўсти лорд Кринтоннинг туғилган кунига совга қилди. У эса 1861 йили Лондоннинг машхур зарғари Ранделлога олмосни силиқлаб бриллиантга айлантириш учун беради. Зарғар олмос устида икки ярим йил ишлаб, унга 28 та қирра қақариб гўзал мафтункор бриллиантга айлантирди. Бу бриллиантнинг оғирлиги 46,2-каратга тенг бўлиб, унинг ёритилган тасвири худди қарганнинг кўринишини беради эди. Шунинг учун мазкур бриллиантга «Оқ қарға» номи берилган.

«Оқ қарға» жавоҳирининг кўриниши барчани лол қолдирди, чунки у дунёда энг ноёб, кам учрайдиган ўта тинч, шаффоф бўлгани учун жуда нархи баланд бўлиб, эгаси бу бриллиантни ҳеч қачон сотмаслигини матбуотда эълон қилган.

1939 йили Германия Англияга қарши уруш очгандан кейин Лорд Крстон бриллиантни қизи Лорига бериб, уни Швейцариядаги холасининг уйига жўнатади. Йўлда Германия агентлари — разведкачилари Лорини қўлга тушириб, уни қамаб қўйдилар. У Мюнхен қамоқхонасида ётганида қамоқхона бошлиғи Генрих Фрайц маҳбус аён ёнида «Оқ қарға» олмоси борлиги ҳақида маълумот олиб, маҳбусни келтиришни буоради. Лори келтирилган-

дан кейин қамоқхона бошлиғи унга қараб: «Сиз бизга «Оқ қарға» бриллиантини қолдирасиз, эвазига сизни Швейцариягача кузатиб қўйишни ўз зиммамга оламан», дейди.

Уша пайтда «Оқ қарға» бриллиантни қўлга туширмоқчилар сони ортиб, Г. Фрайц ваҳимага тушиб қолади ва қамоқхона шифокори — дўсти Мелдхига маслаҳат солади. Дўсти унга бриллиантни беркитишининг ягона йўли бир маҳбусни бош мия суғуни операция қилиб, жавоҳирни мия суғуни ичига қўйиш фикрини айтиди. Шундан кейин маҳбуслардан Кристовскийнинг бош мия суғуни операция қилиниб, бриллиантнинг ичига жойлаштирилди. Бунинг натижасида Кристовскийнинг ақли жуда заифлашиб, фикрлаш қобилиятини йўқотди. Лекин асирга алоҳида хона ажратилиб у парвариш қилиб турилади.

1943 йилининг қузида Гитлернинг топшириқларини баҳарадиган Отто Скорцени «Оқ қарға»дан воқиф бўлиб, Фрайцни сўроқлайди. Фрайц бриллиантни қимдир ўғирлаганини айтиб, уни ишонтиради. Уруш татом бўлгандан кейин Кристовский асирликдан қутулиб, Польшага қайтади.

1953 йили АҚШнинг маҳсул хизмат ходимлари архив ҳужжатлари билан танишиб «Оқ қарға»нинг Мюнхен қамоқхоналарининг бирида бўлганлиги ҳақида маълумот олиб, шу қамоқхонада ишлаб тирик қолганларни қидиришга тушадилар. Орадан икки йил ўтди, 1955 йили қамоқхонада ишлаган шифокор Т. Мелджини топадилар. У эса қамоқда маҳбус сифатида сақланар эди. ФБРнинг машхур агенти Джо Стойтин топиш учун унга барча халқаро ваколатномалар ҳужжатини берадилар. У охири шифокор Т. Мелдж билан учрашиб, узок вақт суҳбатлашиб ўзаро шартнома тузади. Бу шартномага асосан Мелдж «Оқ қарға»нинг қимдалигини айтиди. Д. Стит эса Мелджни қамоқдан озод қилиб, АҚШга олиб кетади. Саккиз ойлик қидирувлардан кейин у Польшанинг Краков шаҳри яқинидаги қишлоқларнинг бириндан Кристовскийни топиб, буш миқсидан «Оқ қарға»нинг боқариб олиб, АҚШга олиб кетади. Бу воқеа 1956 йили содир бўлади. Шундан кейин машхур жавоҳир изсиз йўқолади. Шу кунгача «Оқ қарға» бриллиантни қайси давлат ёки қимдалиги номаълумдир.

Илҳом ШЕРМУҲАММАД  
тайёрлади.

## Оз-оз ўрганиб домо бўлур...

• Донолар шундай дейди: Адаб — яхшилик билан ёмонликнинг фарқини билиш, фойда билан зарар орасидаги тафовутни англашдир. Адаб воситасида киши ўз жонини ёмон хислатлардан даволайди, ёқимсиз айблардан поклайди, чиройли фазилатлар билан безайди. Адаб кишини энг чиройли хулқ билан қуроллантиради. Натижада барча ақл эгалари бундай кишидан ҳар ишда рози бўладилар. Адаб эгаси эса кундан кунга обрў топади, ахволи яхшиланади, ишлари равнақ топади. Баъзи ҳақимлар адабни энг масъул ва кўркем феълга эга бўлиш десалар, баъзилар нафсни барча қабиҳ одатлардан тозалаш дейдилар. Демак, кимда адаб бўлса, бу ноёб неъмат. Адаб — ақлнинг суянчиги, барча фазилатларнинг жони.

• Оталар сўзи — ақлнинг кўзи.

• Умр оқар дарё, ёшлик билан қариллик ораси ўта қисқа.

• Улугликнинг белгиси кичикларга ҳиммат кўрсатмоқдир.

• Қариганигда ёшликдаги бутун куч-қувват безавол ишга сарф бўлганини ҳис этишдан ортқ бахт йўқ.

• Ёшликда нима эксанг, қариганигда шунга ўрасан.

• Кексаларни ҳурмат қил, устидан қулма, бир куни вақти келиб ўзинг ҳам шундай қартаясан.

### БАЙТ:

Ёшмисан, кексани  
сен ҳурмат айла,  
Ўзинг ҳам қарийсан,  
ҳозирдан ўйла.  
Кексага кўмак бер —  
суянган тоғинг,  
Бунга тушунарсан  
қариган чоғинг.

• Оғир тош ердан минг азоб-ўқубат билан кўтариб олинди. Уни ташлаб юбориш эса жуда осон. Ўсиб мартабага эришиш худди шу тош кўтаришга ўхшайди. Мартабадан тушиш эса тошни ташлаб юборишдек гап.

• Махлисда «Бу ердан тур» демасликлари учун жойингни билиб ўтир.

• Шараф наслу насаб билан эмас, фазлу адаб билан топилди.

• Суви йўқ анҳорнинг қадри йўқ.

• Донолар дейдиларки, агар киши эҳтиром ва эътибор гавҳарини қидирувчиларидан бўлса, гавҳар қаби яширин бўлсин. Токи уни изловчилар орзу гаввоси билан қўлга киритсинлар. Агар, аксинча эътибор тамгасини нафс итининг бўйнидан олиб, гадолар қаби қўлини очиб, ўткинчиларга таъна кўзи билан боқадиган бўлса, тегирмондек саргардон айланади, қорин тўғирдиш пайида бўлса, яхшиси, обрў тиллашни бир чеккага йиғштириб қўйиб, тиланчилик қилгани маъқул.

## • БОКС

# Ўзаро тажриба алмашмоқдалар

Ўртимиз бокс мактаби азалдан ўз кучли чарм кўлқоп усталари билан танилган. Ушбу спорт тури бўйича машҳур чемпионларимиз йўлларини ёш, иктидорли спортчилар давом эттириб келишади. Зеро, Р. Рискиев, В. Шин, Ф. Пах, Н. Анфимов, А. Қодироҳунов, Н. Отаев каби чемпионлар ўрнини эгаллаган А. Григорян, М. Абдуллаев, К. Тайганбоев, Ҳ. Хайдаров, Р. Саидов каби моҳир боксчилар мамлакатимиз спорти довуруғини жаҳонга ёймоқдалар. Куни кеча уч профессионал боксчимизнинг хориждаги ажойиб галабалари ишқибозларимиз кўнгилларини беҳад хушнуд этди.

Ўзбекистон ва Хитой бокс федерациялари ўртасидаги келишувга мувофиқ ҳар йили шахримизда Мудофаа вазирлигининг спорт комплексида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий Борис Гранаткин ва жаноб Ван Дзябо раҳбарлиги остида хитойлик боксчилар ўзбекистонлик чарм кўлқоп усталари билан биргаликда машғулотлар ўтказмоқдалар. Бу демак, ҳар иккала бокс мактабларининг вакиллари ўзаро тажриба алмашадилар, ҳамкорликдаги машқлар бир-бирларининг техник ва тактик маҳоратларининг



ошишига омил бўлади. Бу эса Осиё ўйинлари, китва чемпионати, 2004 йилдаги олимпиадага тайёргарлик кўришга жуда кўл келяпти.

Ўзбек ва Хитой боксчиларининг биргаликдаги машғулотлари 25 февралга қадар давом этди.

Бу хитойлик боксчиларнинг шахримизга учинчи таъриф бўлиб, уларнинг 2008 йилда Пекинда ўтайдиган олимпиадага жиддий тайёргарлик кўраётганликларининг далолатиридир.

**(Ўз муҳбиримиз) СУРАТЛАРДА: машғулотлардан лавҳалар.**

**Алексей Попов олган суратлар.**



Саранжом-саришта хонадонлар кўп. Уларга қадам ранжида қилган кишининг дили яйрайди. Уй эгаларининг орасталигидан ўрнак олади. Ҳатто ҳожат жойларини (фаросатли ўқувчининг дилини ранжитмаслик учун бироз ҳаспўшлаш йўли билан бўлса-да «нозик»хоналарни шартли равишда шундай деб атадик) ҳам батартбилгини кўриб тилида бўлмасида, дилдан «балли» деган сўзни ўтказди. Ахир бекорга ҳам ота-боболаримиз хонадон эгаларининг нақадар баодоб, ориятли, эканликларига ўша нозик жойларни чинакам саришталгини кўриб-билиб, сўнгра баҳо беришган. Азалда бўйга етган қиз эшигини очиб кирган совчилар ҳам биринчи навбатда хонадон эгаларининг

ўтказилган текширув натижасида 13 та шундай жойларининг лойиҳа асосида қурилганлиги, водопровод суви билан таъминланганлиги ва канализация тармоғига уланганлиги, уларда вентиляция тизими мавжудлиги, санитар-техник жиҳозлар етарлиги аниқланди. Уларда тозалаш анжомлари мавжуд бўлиб, кундалик тозалаш ишлари зарарсизлантирувчи моддаларни қўллаган ҳолда ўтказилади, улар ювувчи ва дезинфекцияловчи модда захиралари билан таъминланган, қўлни қуришти учун электр сочиқлар ўрнатилган. Жиҳозлар билан талаб даражасида таъминланган.

Бироқ рейд давомида 14 та ана шундай жойлар санитария жиҳоб бермаслиги аниқланди. Масалан, Шайхонтоҳур туманидаги «Эски Жува» бозори ҳудудида жойлашган «нозик» жой хусусий тадбиркорлар Н.Қаюмов, В.Алексеевларга қарашлидир. Бу жойда жорий таъмирлаш ишлари ўтказилмагани, қўл ювиш жўмрақлари носоз, санитария-техника жиҳозлари эскириб кетган, ходимлар махсус иш кийими билан таъминланмаган, тозалаш анжомларини сақлаш учун шариот яратилмаган, томидан чакка ўтиб кетган.

Собир Раҳимов туманидаги «Қорақамиш» бозорига қарашли, Чигатой, Шифокорлар, Тансиқбоев бозор шохобчаларидаги жойларда ҳам кўпдан бери туб таъмирлаш ишлари ўтказилмаганини кузатибди. Дезинфекцияловчи моддалар захираси йўқ. Умуман, бу ерлардан ўрин олган «нозик» жойлар санитария-жиҳоб қоидалари талабларига жиҳоб бермади.

«Юнусобод» деҳқон бозори ҳудудидаги Аҳмад Доних бозоридаги хусусий тадбиркор Э.Ғарипов, «Чоштепа» бозори ҳудудидаги хусусий тадбиркор Б.Исаев, «Юнусобод» савдо мажмуаси ичидаги хусусий тадбиркор У.Хўжаев, Амир Темур хиёбонидаги тадбиркор А.Мухиевга қарашли жойларда таъмирлаш ишлари ўтказилмаган, канализация ва сув қувурлари чириб кетган. Тозалаш анжомларини сақлаш учун хоналар ташкил қилинмаган, хлорли моддалар захираси йўқ, кундалик тозалаш ишлари сифатсиз ўтказилган.

Аниқланган камчиликлар учун 34 нафар мансабдор шахсларга ва бу жойлар фаолиятига жавобгар бўлган хусусий тадбиркорларга, назоратчиларга нисбатан маъмурий иш қўзғатилиб, жаъми 422055 сўм миқдорида жарима солинди, санитария қоидалари талабларига жиҳоб бермайдиган 23 та «нозик» жойларнинг иш фаолияти мавжуд камчиликлар бартараф этилгунча тўхтатиб қўйилди. Ҳўқорида қайд этилган нуқсонларни изчиллик билан йўқотиш борасида бу ишга масъул бўлган хизматчиларга муддатлари аниқ белгиланган талабномалар топширилди, уларнинг и-роси эса назорат қилинмоқда.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ҳўқорида қайд қилиб ўтилган хоналарнинг аксарияти пулли, уларда махсус ходимлар ўтиришади, хизмат ҳақи талаб қилинади. Шундай бўлгач, ўз навбатида бу ишга масъул бўлган шахслар ўша жойларни озода ва батартиб бўлишига эришишлари керак. Чўнки талаб хизмат ҳақига яраша бўлгани яхши. Шунда икки толик ҳеч бир-бирдан ранжимайди. Қолаверса «Озодалик — тани соғлиқ гарови» деган гап ҳам бор.

**Маҳмуд ОРИПОВ**

## • АЙТСАМ ТИЛИМ, АЙТМАСАМ ДИЛИМ...

# ОЗОДАЛИК — СОҒЛИҚ ГАРОВИ

Ранг-баранг оламда нима кўп мавзу кўп. Уларнинг кўпчилиги ҳақида сўз борса ҳеч иккиланмай, турфа хаёлларсиз, ҳақиқатни яширмай, ошкор этасиз. Базан ҳаётда шундай икир-чикир, майда-чуйда мавзулар ҳам дуч келадикки, очиги улар хусусида сўз айтишга бироз қийналасиз, ийманасиз. Доншманд халқимиз башорат қилганидек, «Айтсанг тилинг, айтмасанг дилинг қуяди». Лекин касални яширсанг иситмаси ошкор қилишини ўйлаб мажбуран бўлса-да шу ҳақда сўз айтишга журъат этасиз. Ана шундай фикрда кўпдан бери гаҳимизни келтириб, тилимизни қичитиб, лекин ошқора айтишдан иймениб юрган мавзуларимизни ёритишда кўл келишини эътиборга олиб тўбанда ёритмоқчи бўлган мавзумизга ҳўқоридаги рўқни талладик. Албатта, жонқуяр мухлисларимиз ҳам ушбу рўқни остида мақолаларни ёритишимизда ҳўқордан ёрдам бердилар, деган умиддамиз.

— Кун сайин обод ва кўркем бўлиб бораётган Тошкентимиз ҳар томонлама ўз жисмига хос ва мос бўлиши керак. Шаҳримиз нафақат ҳаморатларимиз, балки чет элликлар ниғоҳида ҳам ҳамиша навқирон ва намунали пойтахт сифатида кўзга ташланиб бораётганини мамнуният билан эътироф этамиз, албатта. Лекин ойда ҳам доғ бўлганидек, кўп минглик ва кўп миллатли шаҳарда баъзи-баъзида унинг хуснига доғ тушираётган иллатлар кўзга ташланиб туришидан ҳам тониб бўлмайди. Бизнинг соҳа хизматчиларининг мақсади ана шундай иллатларнинг олдини олиш, шаҳримизнинг обод ва озода бўлишига ўзининг муносиб улушини қўйиш, халқимиз соғлом ва бардамлиги йўлида тунни тонгга улаб ҳўрмай-толмай меҳнат қилаётган тиббиёт ходимларига ҳўқордан ёрдам беришдан иборат. Бу йўлда олиб борилаётган саъй-ҳаракатимиздан бирдида жамоат «нозик» жойларининг санитар-техник ҳўлати билан қизиқдик. Очиги, мутахассислар томонидан ўтказилган бу текширув натижасидан қониқмадик.

Шу соҳа хизматчилари томонидан таҳририятимизга тақдим этилган баённома билан таниша туриб ўз навбатида ҳўқорида билдирилган фикрлар тўғрилигига яна бир қарра ишонч ҳўсил қилдик.

Ҳўзирги кунда шаҳар ҳудудида жаъми бўлиб 67 та «нозик» жойлар фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг 8 таси Шайхонтоҳур, 5 таси Мирзо Улугбек, 4 таси Чилонзор, 5 таси Собир Раҳимов, 7 таси Бектемир, 14 таси Ҳамза, 4 таси Миробод, 3 таси Яккасарой, 2 таси Сергели, 11 таси Юнусобод туманида жойлашган. Маъзур хоналар бозорлар ва уларнинг шохобчалари ҳудудларида, марказий кўчаларда, дам олиш ва истироҳат боғларида, автобусларнинг охириги бекатларида жойлашган бўлиб, хусусий фирмалар ва бозорлар маъмурияти тасарруфидадир. Уларнинг баъзилари ижарага берилган.

Тошкент шаҳар Давлат санитария назорати томонидан

Спорт

**Ватанимиз шарафини химоя қилишади**

Истиқлол шарофати туфайли ёшларни маънан етук, жисмонан баркамол бўлиб воёга етишларини таъминлаш мақсадида жисмоний тарбия ва спорт ривожига катта эътибор қаратилаётгани кувонарли хол.

Куни кеча Шайхонтоҳур туманидаги 324-мактабда тазквандо тўғараги фаолият бошлади. Шуниси қувонарлики, спортнинг тазквандо турини мактаб ўқувчилари ўртасида оммалаштириш мақсадида ташкил этилган мазкур тўғаракка иқтидорли мураббий Нуриддин Исмоилов раҳбарлик қилади. Ниятиими келажакда мазкур тўғаракда тазквандо сирларини пухта ўрганган ёшларимиз халқаро мусобақаларда совринли ўринларни кўлга киритиб, Ватанимиз шарафини муносиб химоя қилсинлар.

**Обод маҳалла йилига бағишланди**

Самарқанд вилоятининг Оқдар туманида 70 нафар турли ёшдаги шахматчилар иштирокида маҳаллалараро шахмат турнири ўтказилди. Обод маҳалла йилига бағишлаб уюштирилган ушбу мусобақада 25 жамоа ғолиблик учун кураш олиб борди. Рақибларидан кўра маҳоратли ўйин намойиш этган «Лоиш» маҳалласи фуқароси Қодир Иброҳимов биринчи ўринни кўлга киритган бўлса, «Наврўз» маҳалласилик Эгам Намозов, «Янгиобод» маҳалласи азбоси Шамши Хидиров 2-3 ўринлар билан кифояланишди. Ғолиблар мутасаддиларнинг эсдалик совғалари билан тақдирланишди.

**Полвонлар гиламга чиқадилар**

Истиқлол шарофати туфайли Сурхондарё вилоятининг Термиз шаҳрида буюк аллома Ал-Ҳаким ат-Термизий хотира соврини учун юртимизнинг донгдор полвонлари иштирокида миллий кураш турнири ўтказиш аянганга айлиниб қолди. Сурхондарё вилоят ҳокими полвонлар ўртасида олтинчи марта ана шу хотира турнирини ўтказиш тўғрисидаги қарорга имзо чекди. Демак, 4-5 апрель кунлари Термиз шаҳрига мамлакатимизнинг турли гўшалари ва хориж давлатларидан энг сара, номдор полвонлар келиб миллий курашимизнинг тақдорланмас усулларини, ўзига хос жозибасини намойиш қилдилар. Шу боис ҳам Сурхондарё вилоятининг шахар ва туманларида хотира турнирига тайёргарлик бўйича дастлабки босқич саралаш мусобақалари бошланиб кетди.

Акбар ЙҮЛДОШЕВ

**• ФАЛАКИЁТ СИРЛАРИ**

**Ер курраси доимо ҳаракатда**

Ер курраси олам уммонида елдек учмоқда. Бизга ниҳоятда катта, қаттиқ, қудратли ва оғир вазни туюлган Ер курраси аслида борлиқда мисоли кичик бир заррадек, суюқ ҳамда жуда сезгир ва қандайдир беҳалолат. Фазодаги турли жараёнларда иштирок этаётган муаллақ Ер куррасининг ўзида, жумладан, қуйидаги 15 хил ҳаракат кечмоқда.

Ер куррасининг экватор бўйлаб узунлиги 40075,7 километр. Меридаин бўйлаб шимолий кутбдан ва жанубий кутбгача узунлиги 40008,5 километр. Бунинг сабаби шунки, Ер юмалок эмас, унинг кутб томонлари бироз босиқроқ. Фарбий Африка — Лагуни ороллари (Тинч океанида) жойлашган томонлари эса анча қабарикроқ ва Галапагос — Суматра ороллари жойлашган томонлари босиқдир. Ернинг юзаси 51069000 квадрат метр. Замин сиртининг 361 миллион квадрат километр ёки 71 фоизини сув, 149 миллион квадрат километр ёки 29 фоизини қуруқлик ташкил этади. Денгиз сатҳига нисбатан энг чуқур жой Тинч океанидаги Мариана Ботиклиги бўлиб, у 11022 метр. Энг баланд жой эса Ҳимолай тоғлари чўққиси — Эверест, у 8848 метр. Ернинг қуруқлик майдонининг 0,1 фоизи абадий қор ва музликлардан иборат.

Ўртача Кўёш суткаси — 23 соат 56 дақиқа 4.0905 сония, ўртача Кўёш вақти, Ернинг ўз ўқи атрофида айланш даври бир асрда ўрта ҳисобда сониясига бир неча метр ортиб бормоқда. 500 миллион йил олдин сутка 20,8 соат бўлган. Ер юзасининг турли жойлари турли тезлик билан айланади. Энг тез айланадиган қисми экватор чизиги бўйлаб ўтади. Экватордаги ҳар бир нуқта сониясига 465,119 метр тезлик билан айланади.

Ернинг Кўёш атрофидаги орбита бўйича ҳаракат тезлиги сониясига 29,765 километр квадрат ёки соатига 100000 километр. Энг катта тезлиги (перигелийда) сониясига 30,27 километр. Энг кичик тезлиги (афелийда) сониясига 29,27 километр. Ернинг Кўёш томон интилиш тезлиги сониясига 0,59 сантиметр квадрат. Ернинг йил давомида Кўёш атрофида босиб ўтадиган масофаси қарийб 942 миллион километр. Ер кунига 2570 минг километр ёки соатига 107 минг, сониясига 29,8 километр масофани босиб ўтади. Ернинг бир тропик йили 365,24219897 = 365 сутка 5 соат 48 дақиқа 46 сония, Бир юлдуз йили 365,25636042 = 365 сутка 6 соат 9 дақиқа 10 сония.

Прецессия сўзи лотин тилида «олдда бориш» ёки «илдамлаш» маъноларини билдиради. Бу ҳодисани милоддан аввал II асрда юнон олими Гиппарх (астрономияда) ва 1686 йили И. Ньютон (механикада) аниқлаган. Ер деярли шар шаклида. Лекин у кутбларда кисман сиқилган ва экваторда ҳалқасимон қўшимча масса вужудга келган. Натижада ернинг кутб радиуси экваториал радиусидан 21 километрга киска. Ернинг сиқиллиги унинг ўз ўқи атрофида айланшидан келиб чиқадиган марказга интилма куч таъсири натижасидир. Кўёш, ой ва сайёраларнинг Ер шаклидаги шардан фарқ этувчи массага таъсири туфайли прецессия вужудга келади. Натижада Ернинг ўқи эклиптика ўқи атрофида маркази Ер марказида бўлган конус сирти асоси бўйлаб қарийб 26000 йилда бир марта айланиб чиқади. Конус асосий радиуси 23 даража 27 дақиқача яқин бўлади. Прецессия натижасида тенгукулик нуқталари шарқдан гар-

бга, яъни Кўёшнинг йиллик кўринма ҳаракатига қарши, йилига 50,3 ёки сониясига силжийди.

Қаттиқ жисмининг ўз ўқи атрофида айлиниш жараёнидаги тебранама ҳаракат — нутация (лотин тилида — тебраниш) деб аталади. Кўёш ва Ойнинг тортишиш кучлари таъсирида Ер ўқи эклиптикага қиялигини ўзгартирмаган ҳолда ўз йўналишини ўзгартириб боради. Ернинг бу қисқа тебраниш даври 186 йиллик даврга эга. Ер куррасининг фазодаги вазияти Ойнинг тортишиш кучи таъсирида бироз ўзгаради.

Ер ва Ой ўзаро тортишиш кучлари маркази атрофида ҳаракат қилади. Ой Ерга нисбатан 81 мартаба энгилроқ ва улар орасидаги масофа 384400 километр. Умумий тортишиш маркази ҳам Ой марказига нисбатан Ер марказига 81 мартаба яқинроқ. Янги Ой вақтида Ер Кўёш томонга бироз силжийди, тўлин Ой вақтида эса, аксинча, ундан бироз узоклашади. Ой фазасининг биринчи чораги вақтида Ер курраси ўз ҳаракатида бироз кечикади. Ой фазасининг сўнгги чорагида эса Ернинг ҳаракати нисбатан илдамлашади. Чунки Ердан олдинда турган Ой уни чуқлироқ тортади. Бу жараёнлар натижасида Кўёшнинг кўринма қиёфа ва вазиятида ўзгариш кузатиладиган бўлади. Янги Ой даврида Кўёш тўлин Ой вақтида нисбатан каттароқдек туюлади. Ернинг Кўёш атрофидаги йиллик ҳаракат йўли жойлашган текислик — эклиптика деб аталади. Эклиптика билан Ер экватори орасидаги бурчак 23 даража 27 дақиқа. Лекин у доимо бундай қолмай ўзгариб туради. Унинг ўзгариш меъёри +23 даража 37 дақиқа ва -23 даража 37 дақиқа оралигида. Бу ҳолат ҳам Кўёш тизимидаги сайёралар ва Кўёшнинг тортишиш кучлари таъсирида рўй беради.

Осмон жисмлари бутун олам тортишиш қонуни таъсирида ҳаракатланади. Уларнинг массалари кўпайтмасига тўғри ва ораларидаги масофа квадратига тескари пропорционал куч билан ўзаро тортишишади. Муштарий билан Ер орасидаги масофа 591-965 миллион километр атрофида ўзгариб туради. Натижада ўзаро таъсири туфайли Ер ўз йўналишини бироз ўзгартиради. Зурра, Эҳуд, Миррих ва бошқа сайёралар таъсирида ҳам Ер ўзининг тўғри йўналишини оз бўлса-да ўзгартиради. Албатта, булар жуда кичик, баъзан хатто фақат бир неча километри ташкил қилади, ҳолос. Аммо Ер ҳаракатининг сайёралар таъсирида бундай чекинishi ўз ўрнига эга.

Сайёралар Кўёшга нисбатан бир тарафда саф тортишгани, уларнинг тортишиш кучлари йиғиндис таъсирида Кўёш ўз вазиятини бироз бўлса-да ўзгартиради. Оқибатда Кўёш тузилишининг оғирлик маркази Кўёш маркази билан мос туюмай, озгина силжийди. Натижада оғирлик маркази билан тигиз муносабатда бўлган Ер курраси ҳаракатида ҳам шунга монанд ўзгариш содир бўлади.

Сайид Баҳром АЗИЗОВ, фалакшунос.

**• КУЛИНГ — УМРИНГИЗ УЗАЯДИ**

— Биласизми, қўрққанимдан нақ юрагим ёрилай деди. Тасаввар қилингга ўрмон бўйлаб кетаётган эдим, тўсатдан бир катта илонни кўриб қолдим.

- Хўш, кейинчи?
- Кейин яхшилаб қарасам, илон бўлиб кўзимга кўринган нарса узун ёғоч экан.
- Нега бўлмаса қўрқиб кетдингиз?
- Илонни уриб ўлдирмоқчи бўлиб олган ёғоч эса илон экан.



— Сиз ҳам дам олиш таътилидамизми биродар?  
— Йўқ касаллик варақасидан «унумли» фойдаланаяман.  
Абдурашул Ҳакимов чизган расм.

**• САЛОМАТЛИК**

Ўйингизда суварак пайдо бўлди. Ўзингизча турли усуллари кўллайсиз, аммо... Шундай пайтда зудлик билан ўз худудингиздаги дезинфекция станцияси ходимларига мурожаат қилинг. Улар сизга зараркундаларни йўқотишда ёрдам беришади.

**Сувараклар безовта қилса...**

Сувараклар инсон саломатлиги учун хавфли ҳашарот ҳисобланади. Улар асосан ошхона кафеллари, иссиқлик узатиш қувурлари, радиаторлар ораларида яшаб кўнади. Бу ҳашаротлар аксарият кечқурун фаол ҳаракат қилади.

Сувараклар озиқ-овқат, нон маҳсулотлари қолдиқлари билан озиқланади. Улар усти очик қолган озиқ-овқатлар, нон маҳсулотлари устида юриб уларни зарарлайдилар. Сувараклар озиқ-овқатларни ўз сўлакларини билан ҳўллаб, юмшатиб истеъмол қилади. Бу билан турли микробларни тарқатишга сабаб бўладилар. Шунинг учун озиқ-овқат, нон маҳсулотларининг устини очик қолдирмаслик зарур.

Суваракларга қарши умумий тарзда кураш олиб боришимиз даркор. Кўп қаватли уйда яшовчилар бир кунда барча қаватларда зарарсизлантириш ишларини олиб боришда кўмак берсалар, кўнгилдагидек натижага эришиш мумкин. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, суваракларни йўқотиш учун аввало тозаликка риоя қилиш зарур. Бу зарарли ҳашаротларга қарши билиб-билмай турли қилвиш моддаларни кўллаш саломатлик учун ниҳоятда зарарлидир.

Инсон соғлигига хавф тўғдирадиган яна бир зараркунанда каламушлардир. Бир жуфт каламуш йил да-

вомида 800 тагача болалани мумкин. Каламушларга қарши курашнинг энг муҳим воситаларидан бири уларга махсус дориланган хўрак қўйишдир. Қопқонлар ҳам яхши натижа беради. Шунини эсда тутиш лозимки, бундай зараркундаларга қарши самарали усуллари кўллаш фойдадан холи бўлмайди.

Ҳашаротларга қарши кураш худудий бошқармаииз асосан шартнома асосида иш юритиб, кўзга кўринмас майда ҳашаротларга, бўғимоёқиларга ва кемирувчиларга қарши кураш олиб боради. Бошқармаииз туман худудидидаги ташкилотлар ва муассасалар билан жорий йилда 95 миллион сўмлик шартнома тузган. Аҳоли зич яшайдиган кўп қаватли уйлари, ҳамда дўконларини ва шу каби объектларни келишилган ҳолда дезинфекциялаймиш. Аммо баъзилар бунга эътиборсизлик билан қарашади ёки руҳсат бермайшади, бунинг эвазига зарарли ҳашаротлар, зараркундалар йўқолиш ўрнига кўпайверади. Шунини алоҳида таъкидлаш керакики, саломатлигимизга ҳавф солаётган бу зарарли ҳашарот ва кемирувчиларга қарши оммавий кураш олиб бормас эканмиш, кўзланган натижага эришолмаймиш.

Муқаррам ЮСУПОВА,  
Собир Раҳимов туман дезинфекция станцияси бош шифокори.



Муассаси:  
Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир  
Акмал АКРОМОВ

Манзилими: 700000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:**

ҳатлар — 133-29-70;  
ёлдишлар:  
133-28-95, 133-11-39,  
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма таъбик, офсет усулида босилади.  
7587 нусxada босилади. Қоғоз бегини А-3

Душанба, сешанба, чоршанба,  
пайшанба ва жума  
кунлари чақайди.  
Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида  
10-қаватий биқан рўзғатда олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилинишиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бошқармачиси.  
Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.